



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR МАНКАМАСИНING QARORI

20 21 yil « 8 » февраль

№ 59

Toshkent sh.

### Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу йўналишда давлат органлари ҳамда ташкилотлари ҳамкорлигини самараали ташкил этишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг ҳукуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 yил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат харидини ташкиллаштириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

назорат хариди тадбирларини ўтказишни режалаштириш;

назорат харидини амалга ошириш тартиби;

халқ истеъмоли товарларини экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби;

назорат хариди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш;

назорат хариди ва халқ истеъмоли товарларини тестдан ўтказиш натижалари устидан шикоят қилиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

чакана савдо объектларида сотиладиган халқ истеъмоли товарлари сифати ва хавфсизлигининг белгиланган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқлиги юзасидан тизимли равища ўрганишлар ўтказилишини;

ушбу тадбирлар қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффоффлик принциплариiga асосланган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

3. “Ўзстандарт” агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган синов лабораториялари Агентликка назорат хариди доирасида олинадиган халқ истеъмоли товарларини тезкор равища экспертизадан (тестдан) ўтказишида амалий ёрдам кўрсатсинлар.

4. Агентлик Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳамда назорат харидини амалга ошириш натижалари тўғрисида кенг жамоатчилик, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишлар ташкил қилинишини;

истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик маданиятини ошириш, савдо обьектларида сотилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан республика ва маҳаллий телерадиоканаллар, босма нашрлар ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилишини ҳамда мақолалар чоп этилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н.Ш. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 8 февралдаги 59-сон қарорига  
илова

**Чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат  
харидини ташкиллаштириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат харидини амалга ошириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**назорат хариди** – чакана савдо объектларида ваколатли давлат органлари ходимлари томонидан экспертиза ўтказиш ва маҳсулотнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини тестдан ўтказиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

**экспертиза** – товар қадоғининг яхлитлигини бузмаган ҳолда, унинг маркировкасига қўйилган талаблар ҳамда сақлаш шароитлари қоидаларига риоя этилишини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган яроқлилик муддатини бевосита чакана савдо обьектида ўрганишга қаратилган тадбир;

**тестдан ўтказиш** – товарлар хавфсиз бўлишига ва уларнин сифатига доир мажбурий талабларга мослигини лаборатория шароитида синаб аниқлаш, шунингдек, солишириш ва таққослаш йўли билан ҳамда ўлчов воситалари ёрдамида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида баҳолаш усули;

**халқ истеъмоли товарлари** – аҳолининг шахсий мақсадларда, рўзгорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда (бевосита моддий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда) фойдаланиши учун сотиладиган товарлар.

3. Назорат хариди тадбирлари тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, чакана савдо объектларида сотиладиган халқ истеъмоли товарларини (кейинги ўринларда – товар) ушбу Низомга мувофиқ сотиб олиш, экспертиза қилиш ва аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида тестдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

4. Назорат хариди тадбирлари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

5. Назорат хариди тадбирларини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлиб ҳисобланади:

Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги (кейинги ўринларда –Агентлик) директори томонидан тасдиқланадиган ва Агентлик расмий веб-сайтида жойлаштириладиган назорат хариди тадбирини ўтказиш режаси;

оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган маълумотлар ҳамда белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари;

қонунда белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан давлат органлари ва ташкилотлардан келиб тушадиган ахборотлар ва мурожаатлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ёки Монополияга қарши курашиш қўмитасининг топшириклари.

6. Назорат хариди тадбирини ўтказиш режаси ҳар йили шакллантирилади ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

Назорат хариди тадбирини ўтказиш режаси Агентликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттиради:

назорат хариди тадбирини ўтказиш даври;

тадбирни ўтказиш жойи (вилоят, шаҳар ва туман);

назорат хариди тадбирини ўтказиш давомида амал қилиниши баҳолаб бориладиган мажбурий талаблар;

назорат хариди тадбирини ўтказиш лозим бўлган товарлар номлари.

7. Назорат хариди тадбирини ўтказиш режаси мазкур Низомнинг 4-бандида келтирилган асосларга мувофиқ тўлдириб борилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

8. Назорат хариди тадбирлари Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармалари таркибидаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармалари (кейинги ўринларда – Агентликнинг худудий тузилмаси) томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ белгиланган бошқа ваколатли органлар (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) билан биргаликда қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилик, тенглик ва шаффофлик принципларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

## 2-боб. Назорат харидини амалга ошириш тартиби

9. Назорат харидини амалга ошириш тўғрисида Агентлик директори томонидан буйруқ чиқарилади.

10. Буйруқ қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

Агентлик ҳамда унинг худудий тузилмаси ва ваколатли органларнинг назорат хариди тадбирини ўтказишга масъул ходими ёки ходимларининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

назорат хариди ўтказилаётган юридик шахс номи ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, назорат хариди тадбири бевосита ўтказилаётган жой;

назорат хариди тадбири ўтказилаётган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ тўловчи идентификация раками;

назорат хариди тадбирини ўтказишда баҳоланадиган мажбурий талаблар;

назорат харидини амалга ошириш учун асос;

назорат хариди давомида олинадиган товарларнинг савдо номи, уларнинг сони, сотиб олиш ва тўловни амалга ошириш тўғрисидаги маълумот;

назорат харидини амалга ошириш муддатлари;

назорат хариди давомида фото ва видеотасвирларнинг зарурлиги тўғрисида маълумот;

маълум товар бўйича назорат харидини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Назорат хариди бундай тадбирлар ўтказилган муайян товар (savdo nomi bўyicha) va юридик шахс ёки яkka тартиbдagi тадбирkorда (savdo objekti жойлашуви bўyicha) kейingi bir йil давомида takroran амалга oширилишига йўл қўйилмайди, қонунда белgilangan тартиbda келиб tушадиган жисмоний va юридик шахslarнинг shikoятлari асосида ўtказиладиган назорат хариди тадбирлari бундан mustasno.

11. Назорат хариди уни ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўrsatilgan масъул ходимлар томонидан амалга оширилади.

12. Назорат хариди фақатгина касса чеки va/ёki белgilangan шаклдаги бошқа ҳужжат расмийлаштирилганда амалга оширилган ҳисобланади.

Назорат хариди натижалари bўyicha savdo objekti xududi dan tashқariда товар намуналарини танлаб олиш далолатномаси ҳамда мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган шакlga muvofiq назорат харидini ўtказиш тўғрисida маъlumotnomma расмийлаштирилади.

13. Назорат хариди намуналари sifatiда maҳsulotning техник жиҳатdan тартиbga solish соҳасидаги норматив ҳужжатлар талabлari билан белgilangan barcha kўrsatkichlar bўyicha kамида bir марта testdan ўtказиш учун зарur bўlган miqdordan maҳsulot xarid қилинади. Mазкур намуналар akkreditasiyadan ўtgan laboratoriylardan saqlash muddati давомида saqlanadi.

Товарларни testdan ўtказиш учун yoboriш (transportda) va saqlash техник жиҳатdan тартиbga solish соҳасидаги норматив ҳужжатlariga асосан, maҳsulotlarни taishiш va saqlash talablariga muvofiq амалга оширилади.

14. Назорат харidinи ўtказиш тўғrisidagi маъlumotnomaga товарлар сотиб олинганligini tasdiқlovchi ҳужjatlar (kassa va/ёki товар cheklari), товар намуналарини танлаб олиш далолатномаси va бошқа ҳужjatlar (mavjud bўlganda) ilova қилинади.

15. Назорат харidinи ўtказишda масъул ходimlar:

maҳsulotni буйруқda келтирилган nomi va soniga kўra maҳsulotlarни сертификатлаштириш Milliy tizimining сертификатлаштириш қoidalariiga muvofiq tanlaшni амалга ошиradi;

хужжатларни имзолайди ҳамда товар сотиб олиш учун зарур бўлган бошқа харакатларни амалга оширади;

зарурий ҳолларда, фото ва видеотасвирга олиш воситаларидан фойдаланади.

### **3-боб. Товарларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби**

16. Назорат хариди давомида товарларни экспертизадан ўтказиш – жойида, тестдан ўтказиш – аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида амалга оширилади.

17. Товарларни жойида экспертизадан ўтказиш фақатгина товарларни тестдан ўтказиш учун танлаб олиш мақсадида ваколатли орган ходими томонидан амалга оширилади.

Бунда, қуйидагиларга риоя қилинганлиги экспертизадан ўтказилади:

чакана савдо объектида товарларни сақлаш шароитлари;

товарлар маркировкасини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқлиги;

ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган яроқлилик муддатига амал қилиниши.

18. Мазкур Низомнинг 17-бандида келтирилган мезонларга мувофиқ бўлмаган товарларни сотиб олишга ва уларни синов лабораторияларида тестдан ўтказишга йўл қўйилмайди.

19. Назорат хариди давомида тестдан ўтказиш учун сотиб олинган товарлар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган шартларда, уларга зарар етмайдиган тарзда юкланиши ва сақланиши лозим.

20. Назорат хариди давомида олинган товар намуналари савдо номлари олиб ташланган ва тўлиқ беркитилган, бироқ истеъмол қадоғи сақланган ҳолда ваколатли орган ходими томонидан белгиланган тартибда тўлдирилган танлаб олиш далолатномаси билан бирга синов лабораторияларига етказилади.

Танлаб олиш далолатномаси уч нусхада тўлдирилади ва бир нусхадан Агентлик ёки унинг худудий тузилмаси, ваколатли орган ҳамда синов лабораторияси ходимларига берилади. Танлаб олиш далолатномаси уни тўлдирган мутахассис ҳамда Агентлик ёки унинг худудий тузилмаси ходими томонидан имзоланади.

21. Товарларни тестдан ўтказиш учун тегишли синов лабораторияларига етказиш назорат хариди якунланадиган кундан кечиктирмасдан амалга оширилади.

22. Товарларни тестдан ўтказиш миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат ва нодавлат синов лабораторияларида шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

23. Товар намуналарини тестдан ўтказиш ушбу товарларга нисбатан белгиланган техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

24. Тест натижалари бўйича товар сифати ва хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, қонун ҳужжатларига кўра тегишли харакатларни амалга ошириш учун тест натижалари Агентлик томонидан ваколатли органларга юборилади.

#### **4-боб. Назорат хариди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш**

25. Назорат хариди билан боғлиқ ишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

26. Товарларни тестдан ўтказиш учун синов лабораторияларини танлаш истисно тариқасида Агентлик томонидан аниқланади.

27. Назорат хариди мақсадли корпоратив банк картаси ёрдамида Агентлик ёки унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, назорат харидини ўтказиш тўғрисидаги бўйруқда Агентлик ёки унинг ҳудудий тузилмаларининг моддий жавобгар ходимига бериладиган пул миқдорини қайд этган ҳолда, нақд пул шаклида ҳам тўланиши мумкин.

28. Мақсадли корпоратив банк карталари Агентлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари учун алоҳида очилади. Ушбу мақсадли корпоратив банк карталаридан фақатгина назорат харидини амалга оширишда фойдаланилади.

29. Агентлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари мансабдор шахслари корпоратив банк карталаридан мақсадли фойдаланиш учун моддий жавобгар ҳисобланади.

#### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

30. Назорат хариди натижалари, уни амалга ошириш давомида тўпланган фото ва видеоматериаллар Агентлик расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилиши мумкин.

31. Назорат харидини амалга оширишда юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолиятида текширувлар ўтказиш қатъиян тақиқланади.

32. Ушбу Низом талбларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

33. Ишлаб чиқарувчи (ёки улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берилган шахс) назорат хариди ва товарларни тестдан ўтказиш натижалари устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш хукуқига эга.

Чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат харидини ташкиллаштириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Чакана савдо объектларида халқ истеъмоли товарларининг назорат харидини ташкиллаштириш ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби схемаси**

| Босқичлар | Субъектлар  | Тадбирлар  | Муддатлар                        |
|-----------|---|--|----------------------------------|
| 1-босқич  | Агентлик  | Назорат харидини ўтказиш режасини шакллантиради ва Монополияга қарши курашиб қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқлади  | Ҳар йили,<br>январь ойида        |
| 2-босқич  | Агентлик  | Назорат харидини ўтказиш режасини расмий веб-сайтда жойлаштиради   | Ҳар йили,<br>январь ойида        |
| 3-босқич  | Монополияга қарши курашиб қўмитаси                            | Назорат харидини амалга оширища фойдаланиш учун мақсадли корпоратив банк картаси очади ва Қўмита хузуридаги бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобидан зарур микдорда пул маблаги ўтказади   | Ҳар йили,<br>январь ойида        |
| 4-босқич  | Агентлик  | Тасдиқланган режага кўра, ОАВ маълумотлари ёки мурожаат келиб тушганда назорат харидини ҳамкорлик амалга ошириш учун ваколатли органдан (“Ўзстандарт” агентлиги, Санитария-эпидемиология хизмати, Ветеринария) мутахассис жалб қилинади                            | Тадбир ўтказилишидан 3 кун аввал |
| 5-босқич  | Агентлик  | Тасдиқланган режага кўра, ОАВ маълумотлари ёки мурожаат келиб тушганда назорат харидини амалга ошириш тўғрисида Агентлик директори томонидан буйруқ чиқарилади.  | Тадбир ўтказилишидан 1 кун аввал |
| 6-босқич  | Агентлик ва/ёки унинг ҳудудий тузилмалари, ваколатли органлар | Масъул ходим буйруқда кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектдан (жойига чиқсан ҳолда) белгиланган товарни экспертизадан ўтказиш натижаларига асосан касса ва/ёки товар чеки билан сотиб олади (зарур ҳолларда фото- ва видеотасвирга олиш воситаларидан фойдаланади) | Буйруқда кўрсатилган санада      |
| 7-босқич  | Агентлик ва/ёки унинг ҳудудий тузилмалари, ваколатли органлар | Савдо обьекти ҳудудидан ташқарида товар намуналарини танлаб олиш далолатномаси ва назорат харидини ўтказиш тўғрисида маълумотнома расмийлаштирилади  | Назорат хариди ўтказилган кунда  |

| <b>Босқичлар</b> | <b>Субъектлар</b>                                       | <b>Тадбирлар</b>   | <b>Муддатлар</b>                                    |
|------------------|---|--|---|
| 8-босқич         | Ваколатли органлар                                      | Назорат харида давомида олинган товар намуналари савдо номлари олиб ташланган ва түлиқ беркитилген, бироқ истеъмол қадоги сақланган ҳолда тегишли синов лабораторияларига етказилади   | Назорат харида ўтказилган кунда                     |
| 9-босқич         | Аkkредитация қилинган давлат ва нодавлат лабораториялар | Товар намуналарини тестдан ўтказади ва синов баённомаларини Агентликка юборади   | Техник хужжатлар ва шартномада белгиланган муддатда |
| 10-босқич        | Агентлик  | Тест натижалари бўйича товар сифати ва хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолатлар аниқланганда, қонун ҳужжатларига кўра тегишли ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколатли органларга юборилади                                       | Тест натижалари олинган кундан 3 кунгача муддатда   |
| 11-босқич        | Ваколатли органлар                                      | Товар сифати ва хавфсизлик талаблари бузилиши ҳолати бўйича ишлаб чиқарувчи ёки импорт товарлар бўйича унинг ваколатли шахсига тегишли чора кўради   | Белгиланган муддатда                                |
| 12-босқич        | Агентлик  | Истеъмолчи ва тадбиркорларни сифат ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ва унинг ишлаб чиқарувчилари тўғрисида хабардор қилиш мақсадида назорат харида натижалари бўйича оммавий ахборот воситаларида ахборот жойлаштиради | Назорат харида натижалари бўйича                    |

Чакана савдо объектларида халқ истеъмоли  
товарларининг назорат харидини ташкиллаштириш  
ва уларни экспертизадан (тестдан) ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Назорат хариди тадбирини ўтказиш тўғрисида  
МАЪЛУМОТНОМА\***

(маълумотнома тузилган сана)

(маълумотнома тузилган жойи)

(тадбирни ўтказган органнинг номи)

(тадбирни ўтказган масъул ходимларнинг Ф.И.О. ва лавозими)

иштирокида 20\_\_\_\_\_йил «\_\_\_\_\_» куни соат \_\_\_\_\_да

(чакана савдо обьектининг манзили)

(тадбиркорлик субъектининг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

назорат харидини ўтказдик. Назорат харидини ўтказиш вақтида қуидагилар

**А Н И Қ Л А Н Д И:**

(харид қилинган товарнинг номи, миқдори)

харид қилинди ва  
товарлар қиймати учун жами

сўм тўлов амалга оширилди.

(пул маблагининг миқдори рақам ва сўз билан ёзилади)

Товарларни жойида экспертизадан ўтказиш натижасига кўра:

1. Чакана савдо обьектида товарларни сақлаш шароитлари.

\_\_\_\_\_

2. Товарлар маркировкасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив  
хужжатлар талабларига мувофиқлиги.

\_\_\_\_\_

3. Ишлаб чиқарувчи томонидан ўрнатилган яроқлилик муддатига амал қилиниши.

\_\_\_\_\_

(орқа томони)

Назорат харидини ўтказиш давомида харид қилинган товарлар танлаб олиш  
далолатномасига мувофиқ \_\_\_\_\_

(синов лабораторияси номи ва манзили ёзилади)

синов лабораторияларига юбориш учун ваколатли орган ходимига топширилди.

Мазкур маълумотнома бир нусхада тузилди ва назорат харидини ўтказища  
иштирок этган барча шахсларга овоз чиқариб ўқиб эшигтирилди.

Маълумотномага қўйидагилар илова қилинди (\_\_\_\_ варақда):

1. \_\_\_\_\_

2. \_\_\_\_\_

3. \_\_\_\_\_

Агентлик ёки унинг  
худудий тузилмаси ходими

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., лавозими)

Ваколатли орган ходимлари

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., лавозими)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., лавозими)

\* Назорат хариди тадбирини ўтказиши тўғрисидаги маълумотнома ва унга илова қилинадиган  
товар намуналарини танлаб олиш далолатномаси назорат хариди тадбiri якунлангандан  
сўнг савдо обьекти ҳудудидан ташқарида расмийлаштирилади.

